

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2015 йил
17 октябрь
ШАНБА
№ 83 (12823)

www.th.uz

Сўз – ярмарка иштирокчиларига



ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ТОЛАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

Тошкентда 15 октябрь куни XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан пахта бизнеси ва йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари улар билан суҳбатда бўлди.

Петер ШАФФЛУТЗЕЛ, "Swiss Capital International Group" компанияси бош директори (Швейцария):

– Биз Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бир неча йилдан буён иштирок этиб келаямиз. Бу ерда саноатчилар ва ишбилармонларнинг музокара олиб бориши ва шартномалар тузиши учун барча шароит яратилган.

Компаниямиз Ўзбекистонда кўплаб жабҳаларда, жумладан, тўқимачилик соҳасида ҳам қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, "Uztex", "Uztex Tashkent", "Uztex Shovot", "Shovot Tekstil", "Uztex Chirchik", "Eurotex" каби корхоналар ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунаси.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда бизнес юритиш, қулай сармоявий муҳит яратиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш, мамлакатингиз ишбилармонлари билан биргаликда яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Гопалакришнан РАҒУ, "Texcoms Worldwide" компанияси вакили (Сингапур):

– Сингапурда Ўзбекистонни иқтисодиёти барқарор ривожланиётган, инвестиция кириштиш учун истиқболли мамлакат сифатида билишадимиз. Мамлакатингиз нафақат пахта етиштирувчи, балки уни қайта ишловчи, саноати ривожланган давлатлар қаторида муносиб ўрин эгалламоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: XI Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводида.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Доимий комиссияларда

ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

жамоатчилик назоратини
таъминлашда муҳим омил бўлмоқда

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ислохотлар юксак самара бераётди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тушуништириш-тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси Чирчиқ шаҳри, Зангиота ҳамда Қибрай туманлари мисолида ўшбу қонун ижроси доирасида қилинаётган ишларни атрофлича ўрганиб чиқди.

Мутахассисларнинг фикрича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очикилигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири улар билан оммавий ахборот воситалари ўртасида изчил мулоқот муҳитини яратишдир. Бунинг икки муҳим хусусияти бор. Аввало, давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида жамоатчиликка атрофлича маълумот етказилади. Айни пайтда давлат ҳокимияти ва жамият ўртасида ахборот ва фикр алмашиш имконияти юзага келади. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш,

давлат бошқарувини демократлаштириш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ишчи гуруҳи аъзолари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тақдим этадиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши, унинг вақтида берилиши ва ишончлилиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, ахборот тақдим этишда фуқаролар шайни ва кадр-қимматини тажовузулардан, шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтлар ҳамда ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга жойлаштириш ва янгиллаб бориш, давлат идораларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, сўралган вақтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятининг тўғрисида оғзаки ва ёзма, электрон шаклда ахборот тақдим этиш билан боғлиқ материалларни назорат-таҳлил тартибда чуқур ўрганишди.

Шу ва бошқа масалалар юзасидан умумлашган таҳлилий маълумотлар Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.

Табиатан бағри кенг, одамоҳун халқимизнинг тўй-маъракаси, гап-гаштагу борди-келдилари кўп. Айниқса, "тўй-тўйдек бўлсин" дея тўқиб-сочиб тўй қилаётганларнинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилади. Етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳатто янги тутилган чақалогича сўнгги урфдаги либос, кийим-кечак, қолаверса, соч

турмақларига салондан "стилист" таклиф қилиб, тайёрланишлари керак. Баъзан, бу ишларнинг барига улғурётган тўй эгаларига тасаннолар айтасан: ахир, шунча одамга дастурхон ёзиб, меҳмон қилиш, яна ўзлари ҳам байрамга келгандек кийиниб, ороланиш учун озмунча вақт, гайрат, шижоат керак дейсизми?!

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ: ОДОБ-АХЛОҚ ВА КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Бу борада ёшларга-ку, гап йўқ. Зап одаларимиз бор-да! Келин ҳам, қувё ҳам соатлаб салонда тайёрланишди. Ортларидан қувё жўраю қиз ўртқ, янгалар ҳам ясан-тусанни жойига қўйишди. Уларга ҳеч ким: "Ҳой, тез-тез бўлинглар, у-бу ишларга қарашиб юборинглар" демайди.

Мана, орзиқиб қутилган дамлар келди: меҳмонларга лиқ тўла катта тўйхонага аввал оппоқ либосли келинчагу

зарбоф тўнли қувё кириб келмоқда. Ҳамма ўрнидан туриб, қарсақлар билан қутиб олмоқда. Ох, эсиз оппоқ либослар, ер супуриб, чанга беланётган этаклару ярим яланғоч, очик, момик елкалар...

"Нима ҳам дердик, модаси шунақа эканда", дейишди кексалар бири хўрсиниб, бири энтиқиб... Кимдир 2-3 ёшли невараларига келин қўйлак, қувё сарпо кийдириб, ўртага қўйиб юборди. Бу ҳам

урф: жажжи болажонларни ҳам келин-қувёликка етказсин!!!

– Бу ёшларга нима азоб экан-а, шунақа кийиниб... – дейди бир онахон. – Ахир, қўл кўтариб, ўйинга тушишга тортиниб турибди-ку, қўйлагининг торлигидан... Қаранг, ҳатто ичкийимининг изларию, бор бисоти шундоққина кўриниб турибди-я...

(Давоми 4-бетда).

Танлов

«ОРАСТА ҚИЗЛАР» БЕЛЛАШУВИ

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Кексаларни эъзозлаш – улуг қадрият" шиори остида "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда маънавият ва тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хо-ти-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва кириш сўзи билан очди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, қизларни миллий қадриятларга масъулия, кекса авлодга ҳурмат руҳида, юксак одоб-ахлоқ таъминлари асосида тарбиялаш,

уларни гоёвий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, кийиниш ва муамала маданияти каби долзарб муаммаларга фол муносабатларини шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган танловда вилоят шаҳар ва туманлари мактаб ҳамда касб-хунар коллежларининг энг ораста, энг зукко, энг қувноқ ўқувчи-қизлари иштирок этди. Қизлар иккита шарт бўйича ўзаро беллашди. Уларнинг таништирув ва белгиланган мавзу бўйича саҳна чиқишларини ҳакамлар адолатли баҳолашди. Иштирокчилар ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни

муштахкамлаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг ўқув даргоҳлари қоидаларига риоя этган ҳолда кийиниш ва сўзлашиш одоби, аждодларимиздан ва юртимиздаги ислохотлардан фахрланиш ҳисларини кучайтириш бўйича қизларда мустақил фикр уйғотиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли сайёҳ-ҳаракатлар ижроси ёритилган мавзуларда саҳна чиқишлари

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири,
Қобилжон ҚОДУРОВ
олган сурат.

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун

ОНА ТИЛИМ ЙЎҚОЛСА АГАР...

1989 йил 21 октябрда Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан тилимиз ривожига эътибор ортди. Луғат-зинаси янги сўз ва иборалар билан бойиди, такомиллашди. Республика Таълим маркази ташаббуси билан мамлакатимиздаги тилшунос олимлар ва услубчилар томонидан ўқув-ўқувчи тавсиялар, адабиётлар чоп этилди. Хусусан, "Ўзбек тилини ўқитиш методикаси", "Она тили таълимида узвийлик", "Нутқ маданиятини ўрганиш", "Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вазифалари", "Ўзбек тили" (мустақил ўрганувчилар учун), "Она тили фанидан плакатлар тўплами", "Ўзбек тили фанидан адабий-маърифий матиалар тўплами" каби қатор қўлланмалар яратилди. Ҳар йили октябрь ойининг йигирма биринчи санаси ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Қуни кеча Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтда ўшбу кун муносабати билан маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тил – халқни бирлаштирувчи маънавий мерос... Миллат руҳиятини ифодаловчи омил, халқнинг энг буюк қадриятларидан бири экани ҳақида сўз борди. Шоир ва ёзувчилар она тилимизни мадҳ этди.

Ҳар сафар шундай мароқли тадбирларда мактабда она тили ва адабиётдан сабоқ берган куйдақ узтозим Қундуз Холмирова беихтиёр ёдимга тушади. Ҳозир ҳам, кўнглимнинг ўзим билмас хилватларида пинҳон ётган ширин хотира кўз ўнгимда ажиб манзара янглиғ намён бўлди...

Қундуз опанинг бир одати бўларди: ҳар йили кўлаш кириши билан синфимиз қизларини ёнига олиб, оғирхонадаги танча устида бугдой ундирар, артабларни унга сув сепишарди. Муддати етганда тахтадек бўлиб қолган майсани бурдалаб, ўғирда туйишарди. Биз йигитларнинг вазифаси Ҳамиднинг "перашкавоз"ида ўтин ташини, вақти-вақти билан сув келтириб бериш, тунда гулхан атрофида бўлажак гурунг учун жой ҳозирлаш...

Саккизинчи ё тўққизинчида ўқирдик. Бу галги маросим ҳам аввалгиларидан ўтса ўтадики, сира қолишмайди. Ҳамманинг кайфияти чоғ. Базмга четдан таклиф қилинган меҳмонлар кўп бўлгани учунми, ҳар нечук ўриндиқлар камлик қилди. Наҳот Ҳамиднинг "перашкавоз"ида! "Ёқилги кам, боришга етати ҳолос!"

Қозон бошида қуймаланиб юрган Қундуз опа Ҳамиднинг шу гапини эшитгач, биз томон келди. Жилмайишга уринди, юзидан маҳзун бир паришонлик қалқиб турарди.

– Бензин, керосин, солярка... ёнилги дейилади. Чунки, бу маҳсулотлар ёнади, ёқилмайди. Қуруқ ўтин, ёғоч, кўмир... ёқилади. Шу боис уларни ёқилги деса, тўғри бўлади.

Ҳаммамиз ўқитувчимизга қарадик. Шу чоққача ёқилги билан ёнилгининг фарқи бормаганимизни қаранг.

– Агар мени устоз десаларинг, тилини бўзмамлар. Қоидаларига қатъий амал қилинлар.

Қундуз опанинг маънос тортган чехрасини кўриб, юрагимиз алланечук гаш тортди. Боиси, муаллимимиз дарсда ўқитишда тилининг қудратли қурол эканига ақли етиб, уни муштахкамлаш, халқнинг онига сингдиришни-да ўз олдига мақсад қилган кўплаб зотиқларни ашгани, уларнинг бу борадаги мислсиз ҳаракатлари ҳақида кўп гапириб берардилар, лекин бу қадар тушқунликка тушмасди.

Демак, тилининг ҳали биз билмаган, аммо билишимиз жуда зарур бўлган синоатлари кўп экан-да!

Болалар орасида говур кўтарилди. Табиатан қизқонқон Азиз тилига эрк берди. Қизларнинг юзи қизарди. Устозимиз шовқин босилгач, хижолатомуз "Ўтири-шингларни ҳам дарсга айланттир-вордим" деди-да бир-бир босиб қозон бошига кетди.

Яна гала-говур кўтарилди. Биров у деди, биров бу. Мунозарага шу қадар киришиб кетганимиздан... меҳмонлар келганини, туриб қолганини пайкамабмиз. Сергак тортдик.

Суҳбатимизга "Одобнома", "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари", "Тарих" фани ўқитувчилари ҳам қўшилди.

...Маросимга бошловчилар қилаётган қиз ўқиган куйидаги шеър, ҳаёлимизни тўғритиб юборди:

...Кимгадир ўзга тил дармон
Муқаррар, мен у тилда қўшиқ қуйлашим

Эртан она тилим йўқолса агар,
Мен бугун тайёрман бўлишга

курбон...

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

Йиғилиш

Ўрта Чирчиқ туман ички ишлар бўлимида вилоят жамоат транспорти фаолияти ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, тизимга оид қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар моҳиятини соҳа вакиллари етказиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчи ташвиш билан шугулланувчи ҳайдовчиларнинг оғоҳлигини ошириш ҳамда шу фаолият тури билан ноқонуний шугулланаётганлар фаолиятига чек қўйиш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди.

СЕРГАК ҲАЙДОВЧИ ЖИНОЯТГА ИЗН БЕРМАЙДИ

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда транспорт департаменти ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда, шунингдек, туман йўл ҳаракати хавфсизлиги, давлат солиқ инспекцияси вакиллари, вилоятда йўловчи ташвиш билан шугулланувчи қорхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳайдовчилар, хусусан, бу фаолият тури билан ноқонуний шугулланаётганлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, вилоятда йўловчи ташвиш билан шугулланувчи 266

та қорхона ва ташкилотда 4690 та автобус, микроавтобус ва енгил автомобиллар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шундан 62 таси йўналишсиз такси хизмати кўрсатувчи ташкилот бўлиб, унда 512 та лицензияланган енгил автотранспорт воситалари Вазиран Маҳкамасининг "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълаблари асосида махсус серияли рақамлар билан таъминланиб, сариқ рангга бўялган.

(Давоми 2-бетда).

